


КЕЛМАСАНГ ХАМ КУТАМАН

Беркутай Сойсал



БЕРКУТАЙ СОЙСАЛ

***КЕЛМАСАНГ
ҶАМ
КУТАМАН***


“Factor press” нашриёти
Тошкент – 2021

**КЕЛМАСАНГ
ҲАМ
КУТАМАН**

Qalbingizni xamмага oshavermang

xamma xam qalb nimaligini
bilavermaydi

#Karimov





Агарда кўнглингиз оғриси, бу ҳақида ҳеч кимга чурқ этманг. Мабодо кўз ёш тўкадиган бўлсангиз, бу ҳам пинҳона бўлсин. Яъни, одамларнинг сизга раҳмлари келишига изн берманг. Сизнинг тақдирингизда нимаики юз бермасин, ҳаёт бир маромда давом этади. Қўйиб беринг, инсонлар нима деб ўйлашса ўйлашсин. Сиз ўз мақсадларингизни амалга оширишга тиришинг. Кейин эса ҳаммасини узоқдан кузатинг.


Аслида, ҳеч кимга сизнинг ютуқ ёки мағлубиятларингиз қизиқ эмас. Атрофингиздаги инсонларнинг на баҳоналари ва на ёлғонлари тугайди. Шу боисдан, ҳис қилганларингизни ҳеч ким билан ўртоқлашманг. То мажбур бўлмагунингизгача ҳеч кимга ишонч билдирманг.





Ҳеч кимга умид боғламанг. Ҳеч кимга кўнгил қўйманг. Ҳаммасига қўл силтанг. Кўз юминг.

Инсонлар тўғрисида чуқур ўйлашни бас қилинг. Сиз фақат ўзингизга яқин бўлган инсонлар ҳақида ўй суринг. Қадрингизни ҳеч қачон ўрнига қўймаганларни эса шунчаки кўрмасликка олинг!



Беркутай Сойсал

*Келиб-кетгүвчи инсонларга аҳамият берманг.
Ҳаётда ҳеч ким ёнингизда
абдий қолмайди.*



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

*Айрим инсонларни асло
унута олмаймиз,
биноқ ўзимизни гўё
унутгандек тутамиз.
Аслида, энг маъқули шудир.*



Келмасанг ҳам кутаман



Сен ҳамма нарсани бир четга сурганча, ҳаётинг ўз
йўлига тушиши учун ҳаракат қилдингми?

Ҳаракат қилдим!

Бор-будингдан воз кечиб, фақат бир инсонни
севдингми?

Севдим!

Атрофингдаги инсонларга ишондингми?

Ишондим!

Умрингнинг охиригача кўра олмайдиган
инсонларингни соғиндингми?

Соғиндим!





Кимлар учундир сира ўлиб-тирилдингми?

Минг бор ўлдим!

Ҳаётинг изига тушиши учун эмас, бундан ҳам баттар
пароканда бўлмаслиги учун ёниб-куйдингми?

Ҳа, ёниб-куйдим!

...ва

ўйқотдим...



Беркутай Сойсал

***Имконсизлигини биз ҳам
билардик,
аммо амалга ошиши учун
қаттиқ ҳаракат қилдик.
...ва бой бердик!***



Келмасанг ҳам кутаман



Қадрсизмиз...

Биз кўпинча инсонларга меҳр берамиз ва эвазига меҳр олишни истаймиз. Севамиз ва севгимизга муносиб жавоб кутамиз. Аслида, айнан мана шу нуқтада йўқотишни бошлаймиз. Чунки эътибор кутамиз, меҳр кутамиз. Бир инсоннинг энг ожиз нуқтаси ҳам шу – **бировлардан бекорга меҳр ва эътибор кутмоқ!**

Кўпчилигимиз севги борасида омади чопмаганларданмиз. Севганмиз-у, аммо эриша олмаганмиз. Шахсан менда шундай бўлган. Агар орамизда ишқ борасида омади чошиб, висолга эришганлар бўлса, бизга ҳам йўлини ўргатсин? Шояд биз ҳам ичимизга ютиб юрган изтиробдан қутулайлик...

Биздаги ҳам жон ахир! Онт ичаман, қалбим
оғрияпти.

Тўкилиб боряпман.

Тугаб боряпман.

Йўқолиб боряпман.

Ичимда сатрларга сиғмас ҳодисалар содир
бўляпти...



Инсон зиғирча ҳам қадри йўқ эканлигини қарши томондан ўзига номуносиб муносабатни кўрганда англайди. Аслида, инсонларга умид боғлашни бошлаган онимизда қадрсизланишни бошлаймиз. Чунки кимгадир кўнгил қўйган вақтимиз ўша инсоннинг назарида оддийлашамиз, қийматсизлашамиз, маъносизлашамиз.

Айтингчи, сиз охирги марта қачон қадрсиз эканлигингизни англадингиз?

Масалан, мен бор куч ғайратим билан ҳаракат қилсам-да, аслида, ҳеч нарсага эриша олмаганимга гувоҳ бўлганимда англадим. Эҳтимол, сиз оилангиз, севган инсонингиз, дўст-у биродарингиз учун ўзингиз ўйлаганингизчалик аҳамиятга эга инсон эмассиз. Биз бор-йўғи ўзимизни алдаймиз. Эҳтимол, шундай бўлиши ҳам керақдир.

Инсон фақат ўзи учун қадрлидир.





Инсон, аввало, ўзини қадрлаши ва севиши лозим.
Шу тўрт кунлик дунёда бошқаларни қадрлайман,
деб ўзингизнинг қадрингизни зинҳор ерга урманг.
Чунки кўп ҳолларда қадр-қиммат кўрсатган
томонингиздан муносиб жавоб ололмайсиз.

**Сиз ҳеч ким учун ўзингиз ўйлаганингизчалик
қадр-қимматга эга эмассиз. Шунини унутманг.**



Беркутай Сојсал

**Баъзан ҳеч қачон амалга ошмаслигини
билсанг ҳам, айрим нарсаларнинг
рўёб бўлишини танангдаги
бутун ҳужайраларинг билан
истайсан-ку?
Мендаги фожиа ҳам шу эди...**



Келмасанг ҳам кутаман



Фараз қил

Ўтмишда қолган собиқ севгилинг ҳаётига қайтиб келди, деб тасаввур қил. Ҳар куни қиладиган орзуларинг ушалди, деб фараз қил. Ҳар куни кечаги кунга қараганда саодатлироқ бўлаётганини хаёл қил. Ҳаётига имконсиз бўлган нарсанинг ўзи қолмади, деб фараз қил. Хўш, энди кўнглинг жойига тушдими? Сен ошиқ бўлган киши томонидан девоналарча севилдинг ҳам дейлик, кейинчи?

Агар ҳаётда айрилиқ бўлмаса, дарду ситам бўлмаса, умидинг ва хаёлларинг чиппака чиқмаса, ўзингни сира нотавондек ҳис қилмасанг, унда айтчи, бу оламда ниманинг маъноси қолади? Нимани деб курашасан? Ким учун яшайсан? Ҳаётинг зерикарли тус олади. Бир хилликка бурканасан. Сен чиндан ҳам шундай ҳаётга эга бўлишни истайсанми ёки ўзинг хоҳлаган нарсаларга ўз кучинг ва машаққатинг билан эришишни?





Сенингча, ҳаётнинг асл моҳияти нимада? Пулдами ёки севги муҳаббатдами? Менимча, иккисида ҳам эмас. **Ҳаётнинг асл моҳияти қўлингдаги неъматларнинг кадр-қимматини билишдадир.** Нималардан воз кечиб, нималарга эришганингни тафаккур қилмоқдир. Ҳаётнинг асл маъноси нима учун яшаётганингни англамоқдир.

Ҳар куни бир хил қаҳвани ёки чойни ичишни тасаввур қил. Нонушта, тушлик, кечки овқат ва хоказолар... Хўш, агар қаҳвани суюкли инсонинг билан ича олмасанг, қандай тоти бор? Агар жонингдан ортиқ кўрган инсонинг сенга бир бор «сени севаман» демаса, сенинг севгингдан қандай маъно бор? Кечки овқатни оиланг даврасида тановул қилмасанг, очликнинг нима маъноси бор?

Беркутай Сойсал

Агар ғам бұлмаса,
шодликнинг нима
маъноси бўлар эди?



Келмасанг ҳам кутаман



Қанийди, сени фақат мени севганинг учун севсам,
кулгуларингга алданиб қолмасам.

Қанийди, сени фақат бир умид боғлаб севсам,
кўзларингнинг нурида эримасам.

Қанийди, сени фақат исмим-ла чорлаганинг учун
севсам,
сўзларингга сеҳрланиб қолмасам.

Қанийди, сени олисларда юриб севсам,
менга бўлган соғинчингни ҳис қилмасам.

Қанийди, сени кетганингдан кейин севсам,
ёнимга қайтишингга гувоҳ бўлмасам.

Қанийди, мени ташлаб кетганингдан сўнг сени
севсам,
ёлғизлигимни бир он ҳам унутолмасам...





Ўтган кунлар...

Мен аллақачон ўтиб кетган кунларда яшаяпман. Энг қисқа онигача такрор бошимдан ўтказаяпман. Доим ўтмишда яшаганим сабабидан келажакни кўра олмаяпман. Ҳали ҳануз ўтмиш исканжасидан қутила олмаяпман.

Биргина муаммойим ҳам шу аслида:

Ўтмишда яшамоқ.

Эҳтимол, ҳамма нарса ижобий томонга ўзгаргандир. Ҳаракатларинг аста-секин ўз самарасини кўрсатиб, ҳаётингни изга солгандирсан. Аммо бирдан ўтган кунлар ёдингга тушади. Ўтмишингдаги самарасиз уринишларинг, аҳмоқона қарорларинг, изтиробларинг... Ўша лаҳзада қалбингни улкан бир пушаймонлик қуюни ўзининг қуршовига олади.



Ўтмишдаги хатоларимиздан дарс олишнинг ўрнига бор куч-қувватимизни уларни ўйлаб, сиқилишга сарфлаймиз ва энг кўп шу нуқтада хато қиламиз.

Хотираларга бой бўлганимиз учунми ёки ўта таъсирчан инсон бўлганимизданми, кўп ҳолларда ўтмишда яшаймиз.

Ўтмиш ҳақида ўйлаш мобайнида аллақачон ўтиб кетган нарсаларни тузатишга уринамиз. Бу ҳаракат эса югуриш мусобақасида ортга қадам ташлашга ўхшайди.

Жасадларимиз табиий эҳтиёжларини амалга ошираётган бир пайтда, руҳларимиз ўтмишдаги хатоларимизни тузатишга уриниш билан машғул.

Ҳеч қайсимизда давр тушунчаси мавжуд эмас. Доимий орқага қадам ташлаяпмиз.

Биргина сурат билан, радиода янграган муסיқа билан ёки ўхшаш бир табассум билан дарров хотиралар қаърига шўнғиб кетамиз.

Бир туш кўряпман деб тасаввур қил: у тушда сен ўтмишда яшаяпсан.






Ўтган кунларингга тааллуқли нима бўлса, айнан улар тушда мужассам. Илк бор севиб қолган инсонинг, илк пушаймонинг, илк бор улғайганингни ҳис қилган онинг. Қисқаси, сенга тегишли ҳамма биринчи таассуротлар мавжуд. Инсонлар ҳам ўша-ўша. Доим бир хил инсонларни кўрасан, аммо хотираларинг бошқа-бошқа. Сен ана шу тушни ўтмишда яшаётган ҳар лаҳзангда бот-бот кўраверасан.

Биз ўтмиш ҳақида ўйлаётиб, янада катта хатога қўл урамиз.

**Натижада ҳеч нарсани унута
олмаймиз ва ҳеч нарсадан воз кеча
олмаймиз.**





Беркутай Сойсал

Баъзан яшаётган ҳаётимнинг менда нима қасди
борлигини англашга уринаман.

* * *

Қанчалар жонкуяр бўлманг, сиз қилган
барча фидокорликларингизни бир кун
келиб унутишади.

Шу боисдан, жонингизни у қадар азобга
қўйманг.

Келмасанг ҳам кутаман





Мен қайтиб ҳеч қачон кўра олмайдиган
инсонларимнинг
хотиралари билан тўламан...

* * *

Сиз қачонки бир инсоннинг
кўзига у эшитишни истаган сўзларини
сўйлаганингиздагина яхши инсон бўлиб
кўринасиз. Бор-йўғи шу.





Бу ҳаётдаги ҳамма нарса бир куни ўтиб кетади.
Аммо қалбимиздаги ёриқлар асло тузалмайди.

* * *

Бу кетишда биз бир жойга бора олмаймиз,
бироқ ўзга йўлни танлашга ҳам
кўнглимиз чопмайди.

Бундай вазиятда қандай йўл тутиш
лозим, хайронмиз?!





Таслимият бу – чорасизликнинг энг сўнги
босқичи.

* * *

Вақт ўтган сари ҳеч қачон келмайдиган
инсонларни кутишга ўрганамиз...



Беркутай Сойсал

*Ё ҳаммаси биз истаганимиздек бўлсин ёки
ҳеч нарса рўй бермасин.
Бошида ҳаммаси гўё кўнгилдагидек бўлиб,
кейин инқилобга учрашига ортиқ
тоқат қила олмайман!*



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

Агар танлаш керак бўлса, оғзидан
чиқадиган сўзларни қулоғи эшитадиган
инсонларни танланг.
Қолгани у қадар муҳим эмас.




Келмасанг ҳам кутаман



Алал-оқибат қаламингни сўзлар ҳам тарк эта бошлайди. Ваҳоланки, улар сенинг бисотингда қолган сўнгни зарралар эди. Ҳамма нарса сендан бирма-бир кетади. Сен эса бу ҳолатга шунчаки томошабин бўласан, холос. Қўлингдан чиқиб кетаётган нарсаларинг борган сари жонингни қаттиқроқ исканжага олади, аммо сенинг қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Ўз-ўзинга «Бу сафар кучлироқ бўламан. Ҳеч нарса мени яксон қила олмайди», деган ёлғонлар сўзлайсан. Аслида, бу ёлғонга, ҳатто, ўзинг ҳам ишонмайсан. Айбга буюрма, сен кучли бўла олмайсан ва шу сабабли жуда тез таслим бўласан.

Ҳар сафар ҳаётингни кимдир ёки нимадир тарк этганида аччиқ-аччиқ йиғлайверасан. Бироқ ҳаммасидан ҳам ёмони кун келиб қаламингни сўзлар ҳам тарк этишидир. Ана шунда ёзиш неъматидан ҳам маҳрум бўласан ва бутунлай ёлғиз қоласан. Бунга чинакам ёлғизлик дейилади.





Энг оғир ботадигани ҳам шу: сўзларнинг сени тарк этиши. Нафас олиб чиқарасан, яшаётганингни сезиб турасан, аммо худди ўликдексан. Гўё ер юзида қиёмат бошланган-у, сен индамай ниҳояни томоша қилиб турганга ўхшайсан. Сўзларинг ҳам сени тарк этганидан сўнг, гўё тирик мурдага айланасан. Шунчаки яшайсан холос.

Ҳамма нарсангни ва яқиним деганларингни
йўқотасан!

Кетмайман, деб сўз берганлар бир куни кетадилар.
Асло қилмайман деган ишларини қиладилар.
Улар фақат бизни алдайдилар.

Улар сенинг кўзларингга тик боққанча, ҳатто, овози ҳам титрамай ёлғон гапиришади. Алал-оқибат уларнинг ёлғонларини деб, ўзгаларнинг рост сўзларига ҳам ишонмайдиган бўласан. Бора-бора инсонлардан ихлосинг қайтади, ҳавасинг сўнади. Ҳамма нарсадан бутунлай воз кечишни истайсан. Чунки ҳеч нарсага на хоҳишинг, на ҳавасинг қолади.



Сен жуда яхши биласан, агар яна ишонч билдирсанг, яна қалбинг синишини, яна тилка-пора бўлишингни, яна қон йиғлашингни... Буларни қайта бошдан кечиришни истамайсан. Такрор қалбингни яралашларидан қўрқасан. Шунинг учун ўзинг билан борлиқдаги барча тирик инсонларнинг ўртасига улкан девор қурасан.



Беркутай Сойсал

**Аслида нима хоҳлаётганини биладиган ва
ўзига ишонадиган инсонларга эҳтиёжимиз
бор.**




Келмасанг ҳам кутаман



Ишонч туйғуси

Кимгадир ишонч боғлаган вақтимизда бундан буён ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади, деб ўйлаймиз. Аслида эса бировга ишонч билдириб ўзимизни алдаймиз. Кимгадир ишонсак, ўзимизни гўё ҳамма тўсиқларни енгиб ўтгандек ҳис қиламиз, аммо ўтмишдаги хатоларни такрорлаётганимизни сезмаймиз. Яна қалбимизни синдиришади. Умидларимизни чиппакка чиқаришади. Аслида, кимгадир қаттиқ ишониб қолишимиз бизнинг ожизлигимиздир. Биз ўзимизни ўзимиз шу ҳолга соламиз. Ваҳоланки, биз ҳам яхши биламиз, инсонларга у қадар ишониб бўлмаслигини, бироқ яшаш учун ва келажакка янада умид билан қараш учун бошқаларга ишониб, ўзимизни алдашга мажбурмиз.

Бу ҳаётда инсон биргина ўзига ишонмоғи лозим.






Бироқ қайси биримиз бунинг уддасидан чиқа
оляпмиз?

Ўзимизга ишонмаганимиз учун шу ҳолга тушдик.
**Инсон ўзига бутунлай ишонмай туриб, қандай
қилиб бошқа бировга ишона олади?** Агар ўзимизга
ишонмаган ҳолда бошқа бирига ишонадиган
бўлсак, у ҳолда ўша инсонга муҳтож саналамиз.
Ўзлигимиздан айрилиб қоламиз.


Биз лоақал ўзига ишонадиганларга ишонмоғимиз
даркор.

Биз инсонлардан сенга ишонсам бўладими,
дейишнинг ўрнига, сен ўзингга ишонасанми, деб
сўрашимиз лозим.





Қўявер, баъзи нарсалар имконсизлигича қолсин. Биз
уддасидан чиқа оладиган бошқа ишлар бор.
Қўявер, бегоналарга орзуларинг ҳақида кўп сўзлама.
Чунки йўлингга тўсқинлик қиладиганлар бор.
Қўявер, баъзи ишлар ўз измига тушмасин.
Омадимиз чопадиган бошқа қирралар бор.
Қўявер, «биз» бўлиб яшай олмасак ҳам, эслашга
арзигулик бир олам хотиралар бор...






Ер юзидаги жамики шаҳарлардан узоқ бир жойга боришни хоҳлайман. Инсонлар яшамайдиган, фақат иккимиз мавжуд бўлган жойни.

Ҳузур-ҳаловатга ва бахту саодатга тўла бир масканни истайман. Кимсанинг дараги йўқ, фақат иккимиз яшайдиган бир масканни.

Фақатгина бир-биримизни тинглайдиган, ёт товушлар мавжуд бўлмаган бир гўша излайман. Дард ва ҳасратдан узоқ бир гўшани...



Ҳал этсак бўлар эди

Агар истасак, барча муаммоларни биргаликда ҳал қилишимиз мумкин эди. Муроса қилиб, эҳтимол, жанжаллашиб, балки жимгина... Аммо нима бўлганда ҳам ҳаммасини ўз ўрнига қўйишимиз мумкин эди. Ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда эди. Нима кераги бор эди узоқлашишнинг? Нима кераги бор эди бегоналашишнинг?

Ҳал этишимиз мумкин бўлган нарсалар, зотан, ҳал бўлган эди. Биз у тугунни ҳеч кимга билдирмай, пинҳона тарзда ечгандик. Лекин буларнинг барчасини тузатиш ўзимизнинг қўлимизда эди ва ҳали ҳануз шундай...

Балки «биз» бўла олмагандирмиз, аммо қайтадан танишиш ва ҳаммасини бошқаттан бошлаш ўзимизнинг қўлимизда эди. Ўтмишдан гўзал хулоса чиқариб, келажакка биргаликда қадам ташлаш ўзимизга боғлиқ эди.



Аслида, тузата олмайдиган хатоларимизни ўзимиз режалаштирдик. Ўзимиз шундай бўлишини хоҳладик.

Бу нарсаларни зинҳор омадсизлик санаманг. Биз ҳал қила олмаган, тузата олмаган, ечим топа олмаган нарсаларимиз фожиа эмас. Буларнинг барчаси тажриба. Биз ҳамма нарсани яшаш мобайнида ўрганамиз, аммо айрим нарсаларнинг бошимизга тушишини ўзимиз истаймиз.

**Вақтида ҳаммасини ҳал қилишимиз мумкин эди.
Балки шунда ҳозир ҳаммаси бошқача бўларди.
Аммо энди булар ҳақида ўйлашга жуда кеч...**



Беркутай Сојсал

Мен ўзимни вақтга топширдим...

*** * ***

**Айтиладиган сўзлар бисёр, аммо англайдиган
бирор бир тирик жон қолмади.**

*** * ***

**Мен ҳеч келмас касни ҳеч қачон тугамайдиган бир
илинж билан кутмоқдаман...**

Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

Баъзан айрим нарсаларни ўз ҳолига ташлаб
қўйиш керак. Чунки қанчалик уринма,
самарасиздир.




Келмасанг ҳам кутаман



Соғинч забтига олишни бошлаганида, сўзлар камлик қилишни бошлайди. «Кетма» деган ёлворишларинг гўё ҳавога сингиб кетгандек бўлади. Тишларинг орасидан бир нечта сўзларни чиқаришга қийналасан. «Кетма» дея олмайсан. «Сени бениҳоя севаман» деб ҳайқиролмайсан. Ҳатто, бағрингга ҳам боса олмайсан. Қилган орзуларинг гўё шишанинг синиқ бўлагига айлангандек шуурингга ботишни бошлайди. Заволга айланган хаёлларинг жонингга азоб беради. Ҳаётингнинг ажралмас бўлагига айланган ишқ худди шу тарзда поёнига етади. Ва сен ҳеч нарса қилолмайсан.

Ҳаётингда юз бераётган айрилиқларга гўё бир бегона каби томошабин бўласан. Худди бир қур назар ташлаб, кейин унутадигандек. Қалбинг парчаланмайдигандек. Гўё юзинчи қаватдан қулаб тушгандек, ичак чавоқларинг бир-бирига ёпишиб кетгандек, сенинг қўлингдан ҳеч нарса келмайди.





Фақат қандай тугаётганини томоша қиласан. Гўё бепоён уммонни ўзида жамлагандек кўзларинг лиммо-лим ёшга тўлади. Унинг кетишини кузатар экансан, аёвсиз тўлқинлар кўзларингни ювиб кетади. Бесарҳад уммон бўм-бўш ерга айланади. Кейин эса қаердандир мунгли оҳанг тарала бошлайди. Ҳаммаси бутунлай ниҳояланганини ўша онда ҳис қиласан. Энди ҳеч қачон уни бағрингга боса олмаслик даҳшати жонингни сиқувга олаётган бир пайтда, энди уни ўзга биров бағрига босишини ўйлаш жонингни нақ бўғзингга келтиради. Шам мисоли эриб йўқ бўласан. Тугайсан...


Пучга айланган хаёлларинг бор,
Қалбингнинг ҳар ерига ботади.
Ҳаётдан орттирган чарчоқларинг бор,
Жисмингнинг ҳар ерини емиради.

**Эҳтимол, биз ҳеч қачон рўёбини
топмайдиган орзуларнинг пайидадирмиз!**



Беркутай Сойсал

*Ҳаётимнинг қисқача мазмуни ушбу қоғозга
солаётган сўзларимнинг ҳеч ким учун қизиғи
йўқлигини билмоқдир.*



Келмасанг ҳам кутаман



Ҳаётимнинг асосий қисми

Ҳаётимнинг асосий қисми қўлдан бой берган нарсаларимга қайта эга бўлиш учун курашишдан иборатдир.

Ҳаётимнинг асосий қисми қўлдан бой берган нарсаларимга қайта эга бўлиш учун курашар эканман, бахтсиз равишда яна ютқазмоқдан иборатдир.

Ҳаётимнинг асосий қисми ўзимни бошқа бировдан қидирар эканман, ўзлимдан айрилишдан иборатдир.

Ҳаётимнинг асосий қисми олдин воз кечиб, сўнг нима учун воз кечганимни ўйлашдан иборатдир.

Ҳаётимнинг асосий қисми умидсиз ва қора кунлардан иборатдир.

Ҳаётимнинг асосий қисми дард ва изтироб чекканча, умидларимнинг ўлишини томоша қилишдан иборатдир.


Ҳаётимнинг асосий қисми ўзим қилган орзу-ниятларимнинг ижобатини бошқаларнинг ҳаётида кўришдан иборатдир.





Ҳаётимнинг асосий қисми «Энди ҳаётимни изга туширдим, бундан буён ҳаммаси ўзгача бўлади. Энди хатога қўл урмайман, ҳаммасини пухта режа асосида амалга ошираман. Энди аввалгидек жўн фикрламайман, энди ҳаммага ҳам ишонмайман. Ҳаммасига ўзгартириш киритаман. Ҳаммасини бошқаттан бошлайман. Эртадан барвақт уйғонаман, деганимда, тўсатдан ҳаётимга бир бегона кириб, бутун хаёлларимни остин-устун қилиб юборишидан иборатдир.

Қисқа қилиб айтганда, ҳаётимнинг асосий қисми **бахт билан сира ёнма-ён бўла олмасликдан иборатдир.**





«Севишга келганда ҳамма бир-бирини жондан ортиқ севади, аммо севаман деганларнинг қанчаси бир-бирига садоқат билан яшай оляпти?»


Қанча инсон «яхшиям борсан» деган сўзга охиргача муносиб бўла оляпти?

Ҳамма бир-бирини қадрлагандек кўринади, аммо аслидачи, қанча инсон қадрланишга муносиб? Хўш, менга айтингчи, орамизда нечтамыз «мен учун қадрлисан» деган сўзнинг моҳиятини англай олади?

Шу сўзни кимгадир айтганларчи, қачонгача шу фикрида собит тура олади?

Ҳамма бир-бирини соғиниб яшайди.


Аммо соғинганларнинг нечтаси умрининг охиригача соғинчининг эгасига содиқ яшай олади?





Нечта инсон соғинч фақат масофалар билан
алоқадор эмаслигини англай олади?
Ҳамма бир-бирига ишонади, аммо уларнинг нечтаси
ишонгани учун пушаймон бўлмайди? Ишонган
кишиси сира хато қилмаслигига амин бўла олади?
Аслида, барча севишни ва севилишни истайди.
Лекин ҳеч ким севиш ва севилишнинг ҳаққини
ўтамайди. Севса ҳам ҳеч ким севгиси учун
курашмайди.

*Биласанми нима, ҳозир ҳамма ўзига манфаати
тегадиган инсонни танлайди. Ва таассуфки,
бунга табиий ҳолдек қарашади.*



Беркутай Сойсал

**Ҳамма хато қилади, деб сизни оқлаганимиз сари
қилмаган тубанлигингиз қолмади...**



Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

Яна ҳаммасига қўл силтадим. Бу ҳолат
ҳаёт тарзимга айланиб улгурганига анча бўлди.

* * *

Бу ҳаётда сизнинг табассумингизга сабаб
бўладиган гўзал орзуларга эга инсонларни
севинг.



Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

**Қаҳва финжонининг остидаги ликопчадек
яшайман.**

Ҳар он синишим мумкин.




Келмасанг ҳам кутаман



Ҳеч ким

Ҳеч ким «мени нима учун севмадинг?» деган саволни кимгадир беришга мажбур эмас. Ҳеч ким кимнингдир йўқлиги учун ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча, ўзини ерга уришга мажбур эмас. «Мен уни севаман, аммо у бошқасини севади» дея, доду фарёд чекишга мажбур эмас. Туннинг ярмида энг яқин дўстига қўнғироқ қилиб, то тонгача дардини дастурхон қилишга мажбур эмас.

Ҳеч ким ёлғиз қолишга, кимсасиз қолишга, тарк этилишга мажбур эмас. Тун бўйи йиғлаб, тонгда худди ҳеч нарса бўлмагандек атрофдагиларга табассум сочганча, аслида аллақачон остин-устун бўлган ҳаётида гўё бир дона ҳам муаммо йўқдек яшашда давом этишга мажбур эмас.





Агар бир кун алдаб кетадиган бўлсангиз, севманг.
Ваҳоланки, қалбини авайлай олмас экансиз,
севманг. Кун келиб жимгина бошқасига
топширадиган бўлсангиз, севманг.

**Қалбини чилпарчин қилган инсонларингизга бир
кун келиб итдек зор бўлишингизни тилайман.**



Беркутай Сойсал

«Яхшиям борсан» деган инсонларимизнинг ҳеч бири ҳозир ҳаётимизда мавжуд эмас. Шунинг учун кимнидир деб керагидан ортиқ куюниб юборманг.



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

**Эҳтимол, ҳамма каби бўлишни истамаганинг
учун ҳам ҳозир шу ҳолдадирсан.**



Келмасанг ҳам кутаман



Истак йўқ

Аслида, ҳеч нарсани истамайсан. Бир атроф-фингдаги инсонларга, бир ўзингга назар соласан ва кўнглинг ҳеч нарсани тусамай қўйганини ҳис қиласан. Чунки ўткинчилардан, келиб кетгувчилардан тўйиб бўлгансан. Мукаммал бир умр йўлдошини орзу қиласан, гўзал ҳаёт ва гўзал кунлар... Бироқ аслида, буларнинг ҳеч бирини чин кўнгилдан истамайсан.

Истамайсан, негаки ёлғизсан.


Сени пайқашларини ва кашф қилишларини кутасан.

Сен кутишни севасан.

Кутишни ва умид қилишни...

Эҳтимол, ҳеч нарсага хоҳишинг бўлмагани учун шу ҳолдадирсан – ёлғиз, ҳорғин, нотавон, тушкунликка тушган ва ҳаётдан ҳеч нарса кутмайдиган. Эрталаб уйғонишинг билан яна ҳаммаси бошидан такрорланади. Хўш, нима учун шундай деб ўйлайсан?

Ўзинг мукаммал инсон эмассан, аммо мукаммал инсонни излайсан. Аслида, миянгда ўйлаб юрадиган фикрларнинг ва ҳодисаларнинг бирор маъноси йўқ. Ҳаммаси сафсатадан бошқа нарса эмас. Гўё бутун умр бахтсиз яшашга қасд қилганга ўхшайсан.





Келажакка алоқадор, ҳатто, кичик бирумидинг ҳам йўқ. Аслида, ёлғиз яшашни ҳам истамайсан. Бундай ҳаёт кечиришни ўзингга эп кўрмайсан, аммо нимадир сени ёлғизликка етаклайверади. Ёлғизликка талпинаверасан. Ҳаётингда кундан кунга сен қабул қила олмайдиган нарсалар урчийверади. Ва сен хоҳламаган нарсаларингга вақт ўтган сари кўникиб борасан.

Сен бутунлай бахтли бўлишни ҳам истамайсан. Чунки бахтли бўлган онларингда яна қайси эшик ортида бахтсизлик пойлаб турибди экан, деб қўрқасан. На ҳаётинг ўз изига тушишини, на ҳамма нарса сен истаганингдек бўлишини истайсан.

Сен ҳеч нарсани истамайсан!

Бошқа инсонлар истайдиган ҳеч нарсани истамайсан. Чунки сен ҳамма каби бўлишдан ва ҳаммага ўхшаб яшашдан қўрқасан.

Биз ҳар сафар ё йўқотдик ёки воз кечдик.



Беркутай Сойсал

**Мени тушунмайдиган инсоннинг менинг
ҳаётимда нима иши бор?**

*** * ***

**Қарасангиз, фойдаси йўқ экан. Демак,
қарамасликни ўрганишингиз керак.**




Келмасанг ҳам кутаман



Ўзимиз учун

Биз ўзимиз учун ҳеч нарсага қўл урмаймиз. Шунчаки, атрофимиздаги инсонларнинг ҳаракатлари бўйича яшаймиз. Ҳеч қачон ичимиздаги ҳис-туйғуларни, истакларни ва тушунчаларни инобатга олмаймиз. Фақатгина атрофимиздаги манзарага боқамиз, келажакдаги манзарага эмас. Биз ўзимиз учун яшамаймиз. Бошқаларга қараб яшаймиз ва афсуски, ҳаётимизни қўлдан бой берамиз. Ўзимиз учун эмас, бошқалар учун ўзимизни чарчатамиз. Ўзимизга яқин бўлган инсонларни бахтиёр қилишнинг ўрнига, ҳеч қачон ёнимизда бўлмайдиган инсонларни бахтли қилишга уринамиз.

Ўзимиз учун ҳеч нарса қилмаймиз. Агар ўзимиз учун нимадир қилсак, ҳеч нарса йўқотмаслигимизни, ҳатто, ҳамма нарса бундан ҳам яхши томонга ўзгаришини биламиз, лекин афсуски, шунда ҳам ўзимиз учун ҳеч нарса қилмаймиз.





Бошқаларнинг ўрнига ҳам севамиз, ишонамиз, қадрлаймиз. Ўзимиз учун мутлақо бошқа бир олам яратамиз. Ўша оламнинг марказига эса ўзимизни эмас бошқаларни қўямиз. Қийин вазиятларда эса бошқаларнинг ўрнига ҳам хафа бўламиз.


Хатто, ҳаётимизнинг энг муҳим қарорларини ҳам «у нима дейди, бу нима деркан» деганча, ўзгаларнинг фикри асосида қабул қиламиз ва ҳаракат қиламиз. Аслида, биз ўзимиз нима хоҳлаётганимизни билмаймиз ва шу сабабли бошқалар учун яшаймиз.

***Ҳаммани ўзимиз каби деб
ўйлаганимиз учун ҳам шу аҳволдамиз.***



Беркутай Сойсал

Тўсатдан тушкунликка тушиб қоласан ва ичингдан нимадир узилгандек бўлади. Бу ҳеч нарса аввалгидек бўлмаслигининг азобидир.



Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

Бизнинг кўнгилларимиз ярадор. Аммо биз бунга
ўрганганмиз.

* * *

Ҳеч нарса ўтиб кетмайди, шунчаки, биз бунга
ўрганамиз.

Келмасанг ҳам кутаман





Бошимиз хотиралар омборига ўхшайди.

* * *

Ҳеч қачон амалга ошмайдиган нарсалар учун
қанчалар кўп оғзимизни чарчатибмиз.





Беркутай Сойсал


Сен – хаёлларимнинг чигаллигисан.

*** * ***

**Ҳаёт гўзал, аммо биз икир-чикирларни ўйлаш
билан вақтимизни бой берамиз.**

Келмасанг ҳам кутаман





Энди бахтли бўлдим деганимда, ҳаётим
саҳнасининг ортида Лайли ва Мажнун ўзининг
мунгли мусиқасини чала бошлайди.

* * *

Ҳатта ғазабда бўлсангиз ҳам кечиринг.
Гаплашиб олишга имконингиз бўлса жим
турманг.
Ҳали нималарнидир ўзгартиришга имконингиз
бор экан, кутиб ўтирманг.



Бир кун келиб ҳаммаси яхши бўлишини билсам,
нега умидсизликка тушай?


Қилган орзуларим рўёбини кутар эканман, нима
учун оғринай?

Жондан ортиқ севган инсонимдан нега воз кечай?

Табассум қилишга сабабларим талай экан, нима
сабабдан кўз ёш тўкай?

Кечирим сўраш имконим бор экан, нега ғурурга қул
бўлай?

**Машаққатлар эвазига гўзал ҳаёт калити нақд
бўлиб турганда, нега бошқалар каби зерикарли
ҳаёт тарзини танлай?**






Кимлардир севади, кимлардир нақ севган еридан яраланади. Яраланган инсонлар қайтиб севмасликка ҳаракат қилади, ошиқ инсонлар эса қачондир яраланишини билиб яшайди. Бу ёзилмаган бир қонундир. Кимгадир чиндан ошиқ бўлганингиздан сўнг, бахт сизга кулиб боқиши жуда мушкул. Бунинг охири сизу биз севиб томоша қилган севги ва муҳаббат ҳақидаги фильмлар каби эмас. Аслида, биздан ҳақиқатни яширишади. Ҳақиқат эса мутлақо бошқача.

Ошиқ инсон адашади,

қалби синади,

баъзан шамдек эриб адо бўлади.

Кимларгадир кимнидир бутун умр кутиб яшаш малол келмайди. Кимлар бўлса, илк ондаёқ кутишдан воз кечади. Кутиш билан умрини ўтказаётган инсон бир қанча муддатдан сўнг, бу ҳолга ўзи ҳам кўникиб кетади. Кутишдан воз кечган инсон эса бахтли бўлиш учун эмас, қайтиб кимнидир кутишга мажбур бўлмаслик учун курашиб яшайди. Уни яна шу аҳволда ташлаб кетмасликлари учун ҳаракат қилади. Бу ҳам ёзилмаган бир қонундир.





Кимлардир тез унутади, кимлардир тез воз кечади. Унутган инсонлар сира орқасига қарамайди. Чунки ич-ичидан унга қилинганларни асло унутмайди. Воз кечган инсонлар эса умидини узишади. Бир инсондан воз кечмоқ осон, унутмоқ мушкулдир.

Бу ҳаётда ҳамманинг иккита танлови бор. Доим бирини танлашга мажбурмиз. Аммо афсуски, танловлардан бирини танлаш ҳар доим ҳам ўзимизнинг қўлимизда бўлавермайди. Баъзан бунга кимдир томонидан мажбур қилинамиз. Аслида, ўзимиз ҳам қайси йўл тўғри, қайсиси нотўғрилигини буткул билмаймиз.

Эҳтимол, ҳозир толеимиз кулмаган даврдир. Аммо ҳали ёруғ кунлардан умидимизни узганимиз йўқ.





Ҳеч кимдан ҳеч нарса кутманг

Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўраманг, ҳеч нарса кутманг. Бу ҳаётдан нимаики кутадиган бўлсангиз, ўз меҳнатингиз билан эришишга ҳаракат қилинг. Ўзгалардан кутаётган нарсаларингиз, аслида сизнинг эҳтиёжларингиз эмас, бошқаларнинг эҳтиёжлари. Сиз худди бошқалардек ҳаёт кечиришга ҳаракат қилманг. Ўз билганингизча яшанг. Мустақил фикрланг. Қувонинг, йиғланг, бахтли бўлинг, хафа бўлинг, топинг, йўқотинг.

Ҳеч кимга орзуларингиз ҳақида гапирманг. Бошқа бировлар қўйган мақсадга қараб ҳаракатланманг. Ўзингизнинг мақсадингиз бўлсин. Бошқаларникига ўхшамаган орзуларингиз бўлсин. Майлига, улар тўлақонли ушалмасин. Аммо орзуларингиздан сира воз кечманг.

Ҳеч кимга жондан осонгина кечиб юборадиганчалик ошиқ бўлманг, аммо севишдан ҳам воз кечманг. Ўтмишнинг дафтарини ёпинг. Унутолмайман, деганларингизни эсдан чиқаринг. Чунки ўтмиш ҳақидаги ўйлар инсоннинг бор куч-қувватини тортиб олади. **Ўтмишда қолган инсонлар ҳақида ўйламанг.** Келажакка сиз билан бирга қадам босадиган инсонлар тўғрисида ўйланг. Орзу қилинг. Токи, келажакка илк қадам – орзу ва мақсаддан бошланади.

Беркутай Сойсал

Юрагинг сиқилади.

Қизиқ, у ҳозир қаерда ва ким билан экан, деб
ўйлайсан.



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

Хўп, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, деган эртатка ишондик ҳам дейлик. Кейин биз ўша эртатнинг ичида бўламизми, йўқми, шуни айтинг?



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

Бу ёшда бахтдан сармаст бўлиб юришнинг
ўрнига қўлимизни иягимизга тираб,
нималарнидир ўйлаганимиз ўйлаган...



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал


Инсонларни севиш азобдан ўзга нарса бермайди.
Менингча, осмонни севинг.



Келмасанг ҳам кутаман



Дуруст инсонни излаб бекорга овора бўлманг.
Ҳар томонлама дуруст бўлган инсон бу оламда
йўқдир. Айрим инсонларни ўзингиздан улуғ санаб
елкангизни қисманг. **Сиз яқинда танишган дуруст
инсонингиз охиригача шу ҳолатда қолмаслиги
мумкин.** Буни асло унутманг.






Ҳар доим мулоҳаза билан ҳаракат қилардим.
То уни учратгунимгача...

Агар мендан қачон улғайдинг деб сўрашса, мулоҳаза қилишни бошлаганимдан кейин, деб жавоб берган бўлардим. Чунки ҳамма нарса ўйлашни бошлаганингдан кейин бошланади. Зеро, бу оламда ўйсиз инсоннинг ўзи йўқ. Агар сен ҳам ҳамма нарса ҳақида ўйлашни бошлаган бўлсанг, унда кел, бизнинг сафимизга қўшил.

Унинг сочлари қизил тусда эди. У ҳам худди мен каби фикрлар ва худди мендек ўзини тутарди. Адабиётга қизиқиши жуда баланд эди. Сўзларни худди ёзувчилардек териб-териб ишлатарди. Ваҳоланки, бир инсон ўзига тегишли бўлган нарсаларни бошқа бировда кўрса, ошиқ бўлишга тайин эмасмиди? Инсон кимдир томонидан севилиши учун ҳамма қатори бўлиши етарли ҳисобланар экан. Шундан сўнг, мен ҳам ҳамма қатори оддий инсон бўлишга қарор қилдим. Бир куни қаршисига бориб ўтирдим. Ҳар доимгидек кўп ўйлаб, кўп гапираётган эдим. У ҳам худди мен каби эди. Ундан «Агар ўйлаш қобилиятимиз бўлмаганида нима бўларди?» деб сўрадим. У жавоб бермади, чунки қўрқаётган эди.





Иккинчи марта сўрадим. Яна жавоб бермади. «Хўп, унда айтчи, агар сени ўйлашдан тўхтасам нима бўлади?» деб сўрадим. Бироз довдиради. Яна жавоб ололмаслигимни тахмин қилар эканман, «Нафас ҳам ололмайсан. Олган нафасинг ҳам худди пичоқ каби юрагинга санчилади» деди. «Сен бундан қайердан биласан. Бундан аввал худди мен каби кимгадир ошиқ бўлиб, худди мендек ўйлашдан тўхтаганмисан?» дедим. «Ҳа» деди. Бошқасини севар экан. Менинг ҳис қилганларимни у ҳам ҳис қилган экан. Нима дейишимни билмай қолдим.

«Аслида, ҳаётингга янги кириб келганларни бир четда қолдириб, ҳаётингдан кимлар чиқиб кетиши кераклигини ўйлаб кўришинг керак», деган экан жаноб Ведал. Аслида, ҳадеб ўйлайвериш ожизликнинг бир туридир. Бу инсоннинг энг ожиз нуқтаси саналади. Ўйламаслик учун жуда кўп ҳаракат қилдим. Аслида, мен ўйламаслик учун ҳам ўйлардим.

Ёз кунларининг бирида тонг пайтида чой хўплаб ўтирар эканман, ёнимга ўша қизил сочли қиз келди. Ҳайрон бўлдим. Секингина ёнимга ўтирди ва ўзи учун ҳам чой сўради. Худди қалби сингари қайноқ чойни хўплар экан, менга ўгирилиб, «Мен ҳам сени ўйлай бошладим» деди.





Унинг ички олами худди меники каби эканини билардим. Чунки мен ёқтирган нарсаларни хушлар, худди мен сингари адабиётга қизиқарди. Ва алал-оқибат мен ҳақимда ўйлашига ҳам ишончим комил эди. Аммо энди кеч эди. Негаки, мен ўйламасликнинг уддасидан чиққан эдим. Хаёлимдан шуларни ўтказаётиб, тўсатдан «Мен ўйлашни тўхтатган онимдаёқ, сендан воз кечдим» дедим. Ҳозир қачон воз кечдинг деб сўрашса, ўйлашни тўхтатганимдан сўнг дейман. Хуллас, сиз ҳам кўп ўйламанг. Ундан кўра, кўп-кўп чой ичинг.

Беркутай Сойсал

Эҳтимол, кейин чой ичармиз.

Омадимиз келса, ёмғир ҳам ёғар.

Балки бошқа ажойиботлар ҳам юз берар.

Аммо сен келганингдан сўнг.



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

**Сен уни шу қадар узоқ кутдингки,
борган сари ўзинг кутаётган нарсангнинг
суратига кирдинг.
Энди сен кутишнинг сиймосисан.**



Келмасанг ҳам кутаман



Биргина «Салом»

Ҳамма нарса биргина «салом» билан бошланади. Аслида, оддийгина бир салом, аммо бу нарсага у қадар безътиборлик билан қарамаслик зарур. Ахир айтишган-ку, «Бир оғиз саломдан жуда кўп нарсани билиб олиш мумкин» деб. Аслида ҳам шундай. Бир оғиз салом билан жуда кўп нарса ўзгаради. Бу шундай ёқимли каломки, буни сўзлар билан таърифлай олмайман. Чунки менинг сўзларим ва бу тўғрисида билганларим етарлича эмас. Ҳаётим мобайнида яшаб кўриб, тўлақонли билиб олишим керак. Чунки ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақида, аввало, етарлича билимга эга бўлишим лозим.

...кейин чуқур нафас олиб чиқарасан. Сен учун ҳамма нарса бошқаттан бошланади. Барча муסיқалар янгидан басталанади, жамики ранглар янгидан жилоланади, барча китоблар бошқаттан ёзилади, юрагинг бошқатдан уришни бошлайди.






Ҳатто, ичаётган қаҳванг ва симираётган ҳавонгинг тотӣ ўзгаради. Қисқаси, чинакамига яшашни бошлайсан. Сен кўникиб қолган оддийгина ҳаёт тарзи ўзгаради. Чунки у келади. Унинг ташрифи билан олдин рўй берган жамики нарса енгилади. Қулоғингга икки дона сўзни шивирлайди ва сен дунёнинг энг бахтли инсонига айланасан: сени севаман...

Буни сизга тўлақонли тушунтириб беролмайман, мени тўғри тушунинг. Қанчалар қаттиқ кўнгил боғлаганимни, қанчалар теран ҳис қилганимни тушунтириб беролмайман. Масалан, ундан хабар келганида телефон эмас, менинг юрагим титрайди. У билан юзма-юз келганимда сочимнинг учидан оёғим тирноқларининг учигача бутун вужудим увишади. Қанчалар кучли севишимни ва уни кўрганимадаги менда юз берадиган ўзгаришларни унга билдирмасликка уринаман. Чунки қўрқаман, ўта кучли севгимни кўтара олмай бир кун келиб ташлаб кетса-чи дея. Ростӣ, бундан жуда қўрқаман.

Шу пайтгача ҳеч нарсадан қўрқмаган мен, ҳозирда биргина уни йўқотишдан қўрқаман. Бу жуда оғриқли ҳис.






Агар йўқотсам, нима қиламан, билмайман, аммо йўқотмаслик учун қўлимдан келадиганидан кўпроқ нарса қилишга тайёрман.

Биласанми нима? Уни учратганингдан сўнг, сенга ер юзида фақат биргина инсон бордек туюлади. Кўчада кўрган одамларинг гўё бир хилдек, уларга ўхшаганидан дунёда минглаб, ҳаттоки, миллионлаб топилади дейсан. Аммо унинг ўхшаши йўқ, унинг такрори йўқ. Ер юзида ундан фақат бир дона бор ва унга ҳам сен эгасан. Бунинг учун ўзингни гўё дунёнинг энг бахтли инсонидек ҳис қиласан. Борган сари олдин сира ҳис қилмаган туйғуларингни телбаларча ҳис қилишни истайсан.

Биргина «салом» дейсан ва ҳаётинг тубдан ўзгариб кетади. Бунга ишониш қийин-а? Кўнглинг бўлса, тўхтовсиз «Сен излаган инсон – шу!» дейди ва юрагинг борган сари унга нисбатан илиб боради. Бу нарсанинг бошланишига ўша онда на сен, на бошқа нарса тўсқинлик қилолади. Ошиқ бўласан. Уни ҳозиргача севган нарсаларингдан зиёд севасан. Гўё бошқатдан туғилгандек севасан. Нафасингнинг саноғи қадар севасан. Самоларга сиғдириб бўлмайдиганчалик севасан. Шу вақтгача севган куйларингдан ортиқроқ севасан. Шу қадар соф туйғулар билан севасанки, уни бору йўғича қабул қиласан. Менга фақат у бўлса бас, ундан ўзгаси керакмас, дея ҳар он кўнглингдан ўтказасан.






Биргина у бўлса ва биргина мени севса... Кейин қайердандир бир куй таралади ва яна хаёлингга у келади. Қанийди ҳозир ёнимда бўлса, қўлларини тутсам, кўзларининг туб-тубига боқсам ва ушбу куйни бирга тингласак, дейсан. Унинг қўлларини тутганинда қалбинг титрайди. Бу шундай бир ҳиски, сўзлар билан ифодалаш имконсиз...

Агар у бўлмаса, ҳеч нарсанинг маъноси йўқдек. Хаста бўлсам-у, у мен билан андармон бўлмаса, тузалишнинг маъноси йўқ. Янги кийим кийганимда, агар у ярашди демаса, ўзимга оро берганимнинг маъноси йўқ. Ўқиган китобимдан олган таассуротимни у билан бўлишмасам, олган завқимнинг маъноси йўқ. Эрталаб уйғонганимда ундан «хайрли тонг» деган хабар келмаса, кўзларимни очганимнинг маъноси йўқ. Афсуслар бўлсинки, агар у бўлмаса, ҳеч нарсанинг маъноси йўқ.

Баъзи бир саломлар «Сени севаман»ни ўз ичига жамлайди.



Беркутай Сойсал

**Энг нафратимни қўзғайдиган инсонларнинг тури:
«Мени борим шу, чидасанг шу» дейдиганлардир.
Агар борингиз шу бўладиган бўлса, кўзимизга
кўринмасангиз хурсанд булардик.**



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

**Таассуфлар бўлсинки, кези келса, бизни
чўктирадиган денгизга бўлган муҳаббатимиз
заррача бўлса ҳам камаймайди.**



Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

**Ҳеч кимнинг олдида ўзингиз ўйлаганингиз
каби қадр-қимматга эга эмаслигингизни
кўрганингизда кўзингиз очилади.**


*** * ***

**Ҳозирги давр одамларининг муаммоси:
сабаби мутлақо номаълум бўлган қалб
нотинчлигидир.**







**Атрофдаги инсонларнинг сиз тўғрингиздаги
фикрларига аҳамият бермаган онингиздан
бошлаб, бахт сари илк қадамни босган саналасиз.**





**Бир неча ойлар аввал айтилган бўлишига
қарамай, ёдимга тушганида ҳали-ҳануз қалбимни
тирнайдиган ва кайфиятимни расво қиладиган
айрим жумлалар бор.**






Масофилар

Аслини олганда шу тўрт бўғин ва тўққизта ҳарфдан иборат бўлган сўз қанчалар чуқур маънони англатади, шундай эмасми? Дард, муҳаббат, изтироб, соғинч – гўё масофалар орасида сиқилиб қолгандек қалбимизга азоб беради. Ўйлаб кўринг-а, нима учун инсонлар шу масофаларга ёпишиб олишган? Нега ҳадеб масофаларни қарғгани қарғанган? Улар нима сабабдан бунчалар асабий? Масофалар инсонга нима ҳам қила оларди? Ахир, масофа дегани бир неча километрдан иборат нарса бўлса. Аммо сиз ўйлаб кўрмадингиз. Чунки буни бошдан ўтказиш керак. Бунинг нималигини фақат бошдан ўтказган билади, қолганлар тасаввур ҳам қилишни хоҳламайди.

Айтингчи, сиз ҳам буни бошдан ўтказганмисиз? Севган инсонингизнинг тафтини ҳис қилолмай ўртанганмисиз? Унинг ёнида бўлолмай, бағрингизга босолмай қийналганмисиз? Унинг ёнига боришни истаб, аммо бора олмаган вақтларингиз бўлганми? Ҳеч иложсиз қолганмисиз? Бутун борингизни фидо қиладиган даражада севиб, бироқ вақти келганда кўлингиздан ҳеч нарса келмаган пайтлар бўлганми? Уни кўриш учун ойлару ҳафталарни санаганмисиз?






Ҳар тун хаёлан бағрингизга босганча уйқуга кетганмисиз? Унинг ифорини унутиб қўймаслик учун ҳаракат қилганмисиз?

Сиз ҳам кимнидир сочларининг толаларича соғинганмисиз? Кўксингизда улкан бир бўшлиқ пайдо бўлганми? Ҳар тонг унинг соғинчи билан уйғонганмисиз? Биласизми, бунинг азоби қанчалик оғирлигини... Гўё қалбингиз оташ ичида қолгандек, ҳатто, нафас ҳам ололмайсиз. Деворларни тимдалайсиз. Уни қўлларингиз билан ҳис қилишни хоҳлайсиз, аммо бунинг имкони йўқ. «Масофалар ишқни ҳис қилишга тўсқинлик қилмайди» дейишади. Эҳтимол масофалар ишқни ҳис қилишга тўсқинлик қилмас, бироқ севган инсонингни ҳис қилишга тўсқинлик қилади.

Ана шунинг учун ҳам ҳамма масофалардан ғазабланади. Шунинг учун ҳамма масофаларни ёмон кўради. Ўша тўрт бўғиндан иборат сўз минглаб туйғуни ўз ичига қамрайди. Ўша тўққизта ҳарфдан иборат сўз – ҳар тун инсонни ёстиғи билан дардлашиб чиқишга мажбур қилади. Ҳеч ким ва ҳеч нарса беролмаган оғриқни тоттиради.

Масофалар бу дунё учун кўплик қилади.



Беркутай Сойсал

**Орамизда масофалар бор дея ғам еманг.
Сабаби, бир осмон остида самога боқиб чой ичиш
имкони бор-ку?!**




Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

**Табассум қияпмиз-у, аммо чин кўнгилдан
эмасдек.**

**Ичимизда гўё сира ўрни тўлмайдиган бир бўшлиқ
ва толесизлик бор каби...**




Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

Мен ҳам ҳамма нарса кўнглимдагидек бўлишни
истайман.

Аммо имконлар ҳануз имконсизлигича қолмоқда.



Келмасанг ҳам кутаман




Нима ҳам қила олардик

Баъзан қўл уришга жасорат қила олмаган нарсаларимиз – кун келиб, улкан бир надоматга айланади. Ҳатто, тасаввур ҳам қилолмаганларимиз – бир куни оёғимиз остидан чиқиб қолади. Қайси йўлдан юрмайлик кўнгилсиз ҳодисаларга дучор бўламиз. Кимга кўнгил қўйсак, у бошқага кўнгил боғлаган бўлади. Биз орзу қилган нарсаларимизни бошқалар бемалол қўлга киритади.

**Вақтга ҳавола қилган нарсаларимизни
минг афсуски, вақт ўтиши билан йўқотиб
бораётганимизга гувоҳ бўламиз.**

Ҳамма нарса ўз йўлида кетяпти, аммо мен гўё
у йўлда эмасдекман. Бунинг чораси нима?





Қўйиб беринг, ўз-ўзидан бўлсин ҳамма нарса.

* * *


Агар бирор нарсанинг вақти сира келмаётган
бўлса, эҳтимол, аллақачон ўтиб кетгандир.



Беркутай Сойсал

**Истасангиз айбга буюринг, аммо шуни
эслатмоқчиман:**

**Айрим нарсаларни вақтидан кейин
қадрлаганингизнинг фойдаси йўқ. Буни кейин
тузатиб бўлмайди.**



Келмасанг ҳам кутаман



Инсон қўрқмаслиги керак. Айрим сўзларни ичида сақлаб юрмаслиги лозим. Эшитиши мумкин бўлган сўзларидан чўчимаслиги керак.


Хато қилса-да, пушаймон бўлмаслиги керак.

Шунчаки қилинган хатодан хулоса қилиш лозим.

Бошига тушган кўргиликлардан ва оғир кунлардан сира уялмаслиги керак. Ҳақиқатлар билан юзлашишни билиши лозим.

Агар тўхтамасдан сўзласа ҳам, фақат ҳақиқатларни сўзлаши керак. Мабодо қалбларни бироз тилса ҳам.

Инсон ҳар он курашишга тайёр туриши керак. Ҳаққини талаб қилиши керак. Агар охирида мағлуб бўлса ҳам.






Бундай бўлиши мумкин эмас деган нарсаларимизнинг бари рўй берди. Мендан бошқасига қиё ҳам боқмайди деганларимиз бошқаларга ошиқ бўлди. Кўнгилсиз воқеаларни бошдан кечирдик. Охир-оқибат нима бўлди? Бу чигалликларни ечиш учун нима қилдик? Табиийки бошқага кўнгил қўйдик, ишонч боғладик. Йўқотганларимизни қайтадан қўлга киритишга уриндик ва яна қўлдан бой бердик. Битта йўлдан қайта-қайта юравердик. Айна ҳодисаларни бошдан ўтказдик. Қўлга киритдик, деб ўйлаган нарсаларимизни, аслида, ҳеч қачон қўлга киритолмадик. Аслида, шундай бўлиши ҳам керак эди. Чунки чиндан ҳаракат қилмадик. Шундай бўлишини ўзимиз истадик.

Ҳамма нарсани йўлга қўйиш ўз қўлимизда эди. Аммо биз секин-аста тугаб боришини томоша қилдик.

Қайдам, негадир менга энг яхши нарсаларга доим нолайиқ инсонлар эга чиққандек туюлади.





Исмига атаб, минг бора шеър битиладиган инсонлар
бор.


Бир шеърнинг битта ҳарфига ҳам арзимайдиган
инсонлар бор.

Ҳаётимизда ўзимиздан ҳам кўпроқ севадиган
инсонларимиз бор.

Бизнинг биргина табассумимизни интиқ кутадиган
инсонлар бор.

Биз орзу қилган ҳаётда яшаётган инсонлар бор.
Биз яшаётган ҳаётни орзу қиладиганлар бор.

Ўтмишдаги яқинларини соғинган инсонлар бор.
Ҳануз ўтмишида яшаётган инсонлар бор.



Беркутай Сойсал

Энг аввало, инсонларга ҳамдари бўлишни ўрганинг. Қолгани аста-секин изга тушиб кетади. Инсонлардан, сен қандай фикрдасан, деб сўранг. Худбин бўлманг, чунки инсонда бу ҳиснинг ҳаддан ошиб кетиши бир қанча вақтдан сўнг атрофдагилардан ажралиб қолишга олиб келади. Ҳаммасидан аввал эшитишни ўрганинг.

Келмасанг ҳам кутаман

Умидсиз эмасмиз-у, аммо кучимиз қолмагандек.

* * *

Аввалги ҳавас ва иштиёқларимиз оппоқ тулпорга
миниб, узоқ-узоқларга кетди. Совуққон бўлиб
қолдик.

* * *

Яна такрорлайман, бизга ҳар доим нимадир
етишмайди!






Севган инсонинг овозини унутиш нима эканлигини биласанми? Бу бирга ўтказган шунча вақтга ва хотираларга хиёнатдир. Бир вақтлар доимо ёнида бўлган кишингни бир қанча вақтдан сўнг унутиш билан уни ожиз қолдирмоқдир. Гўё ишқнинг саргузашти ниҳоясига етгандек. Гўё бирга бўла олмаган инсонинг билан видолашишга мажбур бўлгандек. Гўё томоққа тиқилган сўзнинг азобидек.

Севган инсонингнинг овозини эшитиш нима эканлигини биласанми? Бу бутун борлиқдаги тирик жонзотларни бир жойга тўплаганда ҳам, асло бера олмайдиган ҳузур ва лаззатдир. Барча ташвишларни унуттирган ва сени бесабаб табассум қилишга мажбур қилган ажойиботдир.

Ҳаёт тўхтайди.

Вақт тўхтайди.

Ва сен сўзларнинг энг гўзал қўшиғини
тинглайсан.





Бу ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган бир ҳаяжондир. Бу шундай бир нарсаки, инсонни эшитганига, эшита олганига, нафас олаётганига, яшаётганига шукур қилдиради.

Ҳали бошдан ўтказилмаган ишқ саргузаштининг бошланиши каби. Кутган кемангнинг келиши каби. Ҳаётинг бир лаҳза бўлса-да, ўз изига тушиши каби.

Ёрнинг овози ошиқнинг дармонидир.

Унинг овозини унутиш эса интиқомдир.



Беркутай Сойсал

**Ёруғ кунлар келишига ишончимиз йўғ-у, аммо
кичик бир умидимиз бордек.**

*** * ***

**Шуни асло унутманг!
Кимнингдир бошига солган кунингиз ўзингизнинг
ҳам бошингизга тушмагунича ўлмайсиз.**

Келмасанг ҳам кутаман





Севмоқ

Севмоқ ва севилмоқ лозим. Баъзида бунинг иккисини ҳам бир пайтда амалга ошира оламиз. Аммо кўп ҳолларда севилишдан кўра кўпроқ севамиз. Биз жуда кам ҳолларда севиламиз дўстлар. Аммо севишга келганда жонимиздан кечгудек севамиз. Менимча, севмоқ бу – инсонни комилликка етакловчи бир санъат. Бунга бошқа муносиб изоҳ топа олмадим. Аслида, кимгадир ошиқ бўлганимизда ичимиздаги кичкина болакайни юзага чиқарамиз.

Баъзида шундай дамлар бўладики, ҳатто бир бор бўса олишга ҳам кўзинг қиймайди. Лоақал бурнидан ўпиб қўйишни истайсан, аммо бу ҳам қўлингдан келмайди. Аслида, истасанг қилардинг, аммо гап бунда эмас. Гап ошиқликда. Гап сенинг ошиқлигингда. Беғараз, бетама ошиқлигингда...

Ифорини тўйиб-тўйиб ҳидлашни истаган вақтларинг бўлади. У билан кулишни, қувнашни истайсан ва ҳоказолар. Аммо баъзан шунчаки севасан холос. Чунки қўлингдан бошқа нарса келмайди. Аслида, севмоқ ўта телбанамо бир амалдир.



Сен жонингни ҳам фидо қилишни истаган инсонинг кун келиб сени севишдан тўхтайдди. Яхшиям борсан, деган инсон кун келиб сендан нафратланади. Бу ишқнинг энг оғир томонидир. Лаънати, сен уни деб ўламан дейсан, у эса вақти келиб сендан нафратланади. Қайдам, эҳтимол, ўзимиз бунга йўл очиб берармиз.

У кулаётганида сиз ундан ҳам кўра кўпроқ бахтиёр бўлаётган бўлсангиз, унда сизга ҳамдардлик билдираман...

**Ҳозирги замоннинг энг
долзарб муаммоси керагидан
ортиқ севмоқдир.**

Беркутай Сойсал

Ҳамма нарса миямизда бошланиб миямизда
тугаяпти.

Унга қўшилиб биз ҳам тугаб боряпмиз.

* * *

Орзуларимиз ушалмаслиги фожиа эмас. Зотан,
биз бунга кўникдик. Аммо энди ушаламан,
деганда ҳамма нарса тескарисига айланиши
фожиа.





Оддийлашмоқ

Бугун ҳам бироз йўқотдик. Бугун ҳам камайдик ва тугадик. Нега бундай қилдик? Бошқа инсонлар каби нега бахтли бўлолмадик? Нега деб сўрайман баъзан жавобини топа олмасам ҳам. Баъзида инсон ўзига шундай саволлар бериб туриши керак.

Биз барибир инсонмиз. Ўзимиз хоҳламасак ҳам қалбимизни синдиришади. Ўзимиз хоҳламасак ҳам қўлдан бой берамиз, йўқотамиз. Вақт ўтган сари эса бунга кўникиб борамиз. Кулфатга йўлиққанимизда, ноҳақликка учраганимизда, ўзимизни йўқотганимизда ҳеч нарса қилолмаймиз. Чунки қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Баъзан қўлимиздагиларни бой берганимизда овозимизни чиқармаслигимиз керак. Сукут сақлашимиз лозим. Хўш, овозимизни чиқармасдан кўнглимизни қандай баён қила оламиз? Тўғри, гапиришимиз керак, лекин гапирган тақдиримизда ҳам ҳеч ким бизни тушунмайди.






Хўш, кун сайин ўзимиздан парча-парча йўқотсак, нима қилишимиз керак? Бошқа инсонлар билан бир хил бўлиб қолмаслик учун нима қилишимиз керак? Бу вазиятда ўзимиз хоҳламасак, ҳам баъзи ишларни амалга оширишимиз керак. Тинимсиз бир томонга қараб айланаётган ғилдиракни тўхтатишимиз лозим. Йўқса, кун сайин қўлимизда боридан ҳам айрилиб қоламиз.

Хўш, нима қилишимиз керак? Ҳеч кимга кўнгил қўймаслигимиз керакми? Чунки кимни севган бўлсак, бизни ярим йўлда ташлаб кетишди. Қачонки, кимнидир жонимиздан ортиқ севсак ва қадрласак шу аҳволга тушамиз. Инсонлар бизни ўзининг ҳаёти каби ўз измига солишга ҳаракат қилади. Биз бунга йўқ деган онимизда уларни йўқотамиз. Хўш, биз бунга «ҳа» дейишимиз керакми? Ҳа, деганимиздан сўнг, бошқа инсонлардан нима фарқимиз қолади?

**Агар инсонларни ҳаддан зиёд қадрласанг,
сени тарк этишади.**

Агар қадрламасанг ҳам тарк этишади.

**Хуллас, инсонлар барибир сени тарк
этишади...**





Беркутай Сойсал


Ҳали бизга етиб келиши номаълум бўлган
қора кунлар ҳақида жуда кўп ўйладик.
Чарчоғимизнинг асл сабаби шу.

* * *

Борган сари «яхшиям танишган эканман» деган
инсонларимнинг сони камайиб бормоқда.

Келмасанг ҳам кутаман





Майли, сизга яқин бўлган инсонлар билан
жанжаллашинг, хафа бўлинг, гаплашмай юринг,
аммо зинҳор ёлғиз ташлаб кетманг.

* * *

Ичида бўлишни жуда истаб, аммо ортидан қўл
силкиб қоладиган яна қанча кемамиз ёнимиздан
сузиб ўтаркан?




Ниманидир энди унутдим деганда, яна ёдга олиш инсонни чарчатади. Энди бахтга етдим, деганда яна дардга дучор бўлиш чарчатади. «Энди ҳаммаси яхши бўлади» деган тасаллига ишона бошлаганида ҳаммаси чаппасига кетиши чарчатади. Нотўғри қарорлар, аҳмоқона ҳаракатлар, сўнг аччиқ надоматлар... Нима учун бизда шундай бўлади?

Инсон унутиш учун севадими?

Инсон воз кечиш учун кўнгил қўядими?

Инсон йўқотиш учун ошиқ бўладими?

Умримиз сира унутолмайман деган хотираларимизни ёдга олиш билан ўтмоқда. Аслида, биз хотиралар деб яшасак керак. Хўп, унда унутганларимизчи? Уларга нима бўлди? Ҳозир қаерда ва нима қилишяпти? Биз чиндан ҳам унутиш учун вақт сарфладикми? Модомики, унутар эканмиз, нима учун эзилдик, нима учун адои тамом бўлдик?





Хўш, унута олмаганларимизчи? Аллақачон унутиб юборганларимизни энди эсга ҳам олмаймиз, аммо унута олмаганларимизни нима қиламиз? Минг афсуски, унута олмаймиз, муаммо шунда. Нимаики қилмайлик, бошимизни қайси деворга бориб ўрмайлик унута олмаймиз! Ҳар кун, ҳар ой, ҳар йил миямизда айланаверади. Бўлди, энди унутдим дейсан. Қайтиб эсимга тушмайди дейсан. Аммо эсламасликка ҳаракат қилганинг сари ёдга олаверасан. Худди ботқоқликдан қутулиб чиқишга уринганинг сари баттар ботиб бораверасан. Ёки ҳаммасига хотиралар сабабчимикан? Балки унутишга улар йўл бермас? Чунки уларни гўё бир касета сингари миямизга жойлаштирганмиз ва тинимсиз бошига қайтариб кўраверамиз. Бошига қайтарганимиз сари тилимизда бир сўз айланади: кошки... Кошки деганимиз сайин энди унутамадан деганларимизни ҳам қайтадан ёдга оламиз. Кошки ундай қилмаганимда эди, кошки ундай демаганимда эди ва ҳоказолар... Бўлиб ўтган нарсаларни ўйлаб бошимизни ачитамиз. Ниманинг эвазига? Албатта, унутишнинг эвазига. Аммо дўстлар биз осонликча унутолмайдиганлар хилиданмиз.

ЧУНКИ БИЗ УНУТИШНИ ИСТАМАЙМИЗ!

*Инсон унутиш учун севади, унутмаслик учун
яшайди ва яшаб туриб ўлади...*



Беркутай Сойсал

Вақти келса, ҳамма нарсанинг вақти ўтиб кетади.

*** * ***

**Кўйиб-пишганингизнинг фойдаси бўлмаяптими?
Унда ўз ҳолига ташлаб қўйинг.**



Келмасанг ҳам кутаман



Қалбимизни синдиришади

Бир кун келиб барча жароҳатларнинг ўрни битади. Бир кун келиб барча синган қалбларнинг ҳисоби сўралади. Бир кун келиб, албатта, бирга бўламиз. Олдимизда турган ёруғ кунлардан умидвормиз, аммо чарчамадик ҳам дея олмаймиз.

Борган сари бахт томон қадамларимиз тезлашиб бормоқда. Кун сайин умидимиз ҳам ортиб боряпти. Ҳаммаси яхши бўлади, аммо ҳозир бироз сабр қилишимиз лозим.

Тирналган яраларнинг ўрнини тузатишга уринамиз. Зора, бу ишимиз билан бизнинг ҳам яраларимиз тузалса. Чунки ўзимиз бахтли бўлишимиз учун, аввало, ёнимиздагиларни бахтли қилишимиз керак.

Ҳаммадан ортиқ севамиз. Чунки севилмоқ учун даставвал севмоқ лозим.



Керагидан ортиқ қадрлаймиз ва эъзозлаймиз. Чунки ўзимиз ҳам қадрли эканимизни ҳис қилишимиз учун, аввало, қадрлашни билишимиз керак.

Баъзида кимгадир ҳеч бир сабабсиз ишонч билдирамиз. Чунки ўзимизни ишончли жойда ҳис қилишимиз учун кимгадир ишонишга мажбурмиз.


Ҳолдан тоямиз, кўз ёш тўкамиз, бахтсиз бўламиз, севамиз, алданамиз. Чунки бошқаларнинг аҳволини тушунишимиз ва ҳис қилишимиз учун биз ҳам уларнинг бошига тушганларини тотиб кўришимиз керак.

...аммо бу йўлда қалбларимиз тилка-пора бўлади.

**Ҳали йиқилмадим,
аммо ҳар доим оёқда тик туришдан чарчадим.**



Беркутай Сойсал




Умримиз қолган ҳаётимиз қандай кечишининг
хавотири билан ўтмоқда.

* * *

Аслида, бизни мавҳумликлар адо қилди.

Келмасанг ҳам кутаман





Ёлғизман деб асло нолиманг. Чунки ёлғизликда жуда кўп ишларни амалга оширишингиз мумкин. Масалан, мириқиб китоб ўқишингиз мумкин. Ёлғиз ўзингиз кўчага чиқиб сайр қилишингиз мумкин. Аввал сира юрмаган кўчаларингизни кашф қилишингиз мумкин. Қулоқчинда энг сокин муסיқаларни тинглашингиз мумкин. Ўзингизни истаганингизча эркин тутишингиз мумкин. Чунки сизни чегаралайдиган инсон бўлмайди. Яна куни билан ухлашингиз мумкин. Совуққотсангиз кўрпангизга ўранишингиз мумкин. Агар булардан зериксангиз, томоша қилишга арзийдиган минглаб фильмлар бор. Уларни бирин-кетин томоша қилишингиз мумкин. Ҳаммасидан ҳам аъло томони сизни куни билан телефонга термилтирадиган ва хавотирдан ўлдирадиган инсонингиз бўлмайди. Кимгадир ёқмаслиги сабабидан тарк қилишингиз керак бўлган одатингиз бўлмайди. Ҳаётда истаганингизча эркин яшайсиз. Кунни ўзингиз севган му-сиқа билан бошлайсиз. Ёлғизликда ҳеч ким сизни ранжита олмайди. Ёлғизлик сизни ҳар томонлама ўстиради.





Ёлғон

Нима сабабдан инсонлар ёлғон гапириши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ўзини қутқариш учунми? Ё муаммо янада катталашиб кетмаслиги учунми? Аслида, бир инсон ёлғон гапирган вақтида ўз-ўзига муҳтожлик ҳиссини туюди. Чунки ёлғон ўзлигиндан ташқари бошқа бир инсон каби кўринмоқдир.

Хўш, севган инсонларимиз нима учун бизга ёлғон гапиришади? Бизни хафа қилиб қўймаслик учунми? Ёки ёлғонларни рост деб уқтириб, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, деган чўпчакка бизни ишонтириш учунми? Улар бизнинг фойдамизни кўзлаб ёлғон гапиришадими? Ахир инсон кимнидир севганидан сўнг, ёлғон деган нарсадан нафратланади-ку! Бу нарсани ҳатто хаёлига ҳам келтиришни истамайди. Бироқ, афсуски, севган инсонларимиз ҳам бизга ёлғон гапиришади. Ишончимизни сўндиришади, ихлосимизни қайтаришади.




Сиз ҳам бу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, севган инсонларимиз нима учун бизга ёлғон гапиришади? Унда билмасангиз, билиб қўйинг. Севган инсонларимиз аслида бизни ҳеч қачон севмагани учун бизга ёлғон гапиришади. Асл ҳақиқат шудир. Бир онлик ҳавасларини ва худбинликларини қондириш учун ёлғон гапиришади. Аслида, улар бизга ҳеч қачон ошиқлик нигоҳи билан боқмаган. Шунчаки, бизга шундай кўринган.

Бир замонлар «яхшиям борсан» дейишганида ҳам ёлғон гапиришган. Сен ҳеч қачон улар учун мавжуд бўлмагансан. Бор бўлмагансан! Улар шунчаки, вақтинча кўнгилхушлик учун ёлғон гапиришган.

«Сени севаман» деган хабарларига ҳам зинҳор алданма. У сени ҳеч қачон ҳаётининг қоқ марказига қўймайди.

Эҳтимол, у сенга суҳбат мобайнида «сен ҳаммадан бошқачасан» деб ҳам айтгандир?!





Асло бу сўзига ҳам ишониб ўзингни хароб қилма.
Бор-йўғи унинг ўзи ҳаммадан бошқача эди. Чунки у
каби тубан кимса ер юзида бошқа йўқ.

Балки эрталаблари уйқудан уйғонганигда ундан
«хайрли тонг» деган хабарлар келар? Ўзингни
алдашни бас қил. Тонг ҳеч қачон сен учун хайрли
бошланмаган, чунки унинг ёлғонлари сенинг
тонгингни хайрини ўғирлаган.

У сени бошқаларга «излаган инсоним» деб таъриф
бераётгандир. Қулоқ солма. Чунки у сени ҳеч қачон
изламаган. У излаган инсон сен эмассан!

Аслида, буларнинг бари ёлғон-яшиқ
эканлигини сен ҳам билардинг. Шунчаки ёлғонлар
ростлардан кўра ширин бўлгани учун ишонишни
истадинг. Чунки шунга муҳтож эдинг. Гарчи, у
сен орзу қилган инсон бўлмаса-да, севишни ва
севилишни истадинг. Шунинг учун бу муносабатни
давом эттирдинг.

Қисқаси, қанчалик қийин бўлмасин, не кўрган
ва не эшитган бўлсанг ҳаммаси ёлғон эди...



Беркутай Сойсал

Дунёда гўзал ҳодисалар юз беришда давом
этноқда ва менинг булар билан ҳеч қандай
алоқам йўқ.

* * *

Умид қиламанки, шу пайтгача кўрган-
кечирганларимиз фақат ғалаба томон кетган
йўлда чекилган азоб-уқубатлардир.

Келмасанг ҳам кутаман






Ҳозирги кунда ҳамма ёлғизликдан нолийди. Атрофдаги кимдан сўрасанг, ёлғиз эканлигини айтади. Аммо шуни билингки, ўзимиз истаганимиз учун ёлғизмиз. Аслида, ёлғиз эмас, умидсизмиз. У қадар оғир ҳолатларни бошимиздан ўтказмаган бўлсакда, негадир умидсизликка тушишга мойилмиз. Гўё бир марта йўқотсак, қайтиб ҳеч нарса изига тушмайдигандек туюлади. Айнан мана шу нуқтадан ёлғизлигимиз бошланади, йўқотишни бошлаймиз.

Ёлғиз инсон бахтсиздек туюлади. Менимча, инсон ёлғизликда ҳам бахтли бўлиши мумкин. Аслида, бахтли инсон ёлғизлик келганида «хуш келибсан» дея олган инсондир.



Эҳтимол ёлғизлик бутун умр бизга ҳамроҳлик қилиши мумкин. Аммо шу умрни ким билан бирга давом эттириш фақат бизнинг қўлимизда. **Ёлғизлик оғир. Буни биров билан бўлиша олмаслик ундан ҳам оғир.** Доим ичимизда сақлаймиз ёлғизлигимизни. Ҳеч кимга ёрила олмаймиз. Чунки агар айтадиган бўлсак, гўё шунча вақтдан бери асраб келаётган ёлғизлигимизга путур етадигандек туюлади. Ўрганиб қоламиз унга ва ҳеч кимни ёнига яқинлаштирмаймиз. Айтингчи, нима учун шу пайтгача ёлғизлигимизни ҳеч ким билан бўлишмадик? Нега?

Ёлғизлик атрофингда инсон зоти бўлмаслиги эмас, аксинча, атрофингдаги инсонлар сени кўрмасликка олишидир.





Бироз ғамга ботамиз. Бироз сиқиламиз. Аммо баъзи муаммоларни ҳали ҳал қила олишимизга ишонамиз.


Бироз жанжаллашамиз. Бироз аразлаймиз. Аммо ярашишнинг йўлларини биламиз.

Бироз қўлимиздагиларни йўқотамиз. Бироз камаямиз. Аммо ўзимизда бор нарсаларнинг қадрини яхши англаймиз.

Бироз азоб чекамиз. Бироз ўртанамиз. Бироз тарк этамиз. Аммо ҳануз «биз»дан воз кечмаганимизга бир нафасда иқрор бўламиз.

Беркутай Сойсал

*Ҳаётимда шу қадар кўп ушалмаган тилакларим
борки, уларнинг олдида сен ҳақингдаги орзуларим
саробга айлангани қўрқинчли эмас.*



Келмасанг ҳам кутаман



Кўзлар ёлғон сўзламайди, дейишди,
Аммо сен ёлғон сўзладинг.

Севган инсон тарк этмайди дейишди,
Бироқ сен кетаётиб ўйлаб ҳам кўрмадинг.

**«Яхши қол» дединг,
аммо яхши қолган ҳам сен бўлдинг...**



Мен ҳақимда нима деб ўйлашинг муҳим эмас. Ўзинг ҳам яхши биласан, сени мендек сева оладиган кас ер юзида бошқа учрамайди.

Мен томонга қадам босишингга ҳожат йўқ. Чунки мен сени олисларда туриб ҳам сева оламан.

Мени азоблаб, қалбимни чилпарчин қилишингдан наф йўқ. Чунки биров синдирган қалбни кун келиб бошқа биров даволайди.

Мендан айрилишингга ҳожат йўқ. Негаки, қачондир ва қаердадир кун келиб яна учрашамиз.

Мендан бошқасини севиб қолишингдан қўрқмайман. Чунки бир юракка икки инсон сиғмайди. Ҳамма нарсани енгиб ўтганимиз каби буни ҳам енгиб ўтамиз...

Беркутай Сойсал

**Кимнидир ёнингизда олиб қоламан, деб кўп ҳам
чиранманг.**

**Чунки ҳамма бир кун келиб, ўзи истаган ерга
кетади.**



Келмасанг ҳам кутаман




Икки бошқа-бошқа инсон бўла туриб, қандай қилиб бир хил ўйлашимиз мумкин?

Ҳаётим остин-устун ҳолатда экан, нима сабабдан сенга боққанимда бутун олам гўзаллашиб кетгандек туюлади?

Орамизда шунча масофа бўла туриб, қандай қилиб овозинг бу қадар яқиндан эшитилади?

Қисматим омадсизликлар билан тўла экан, нима учун сенинг ёнингда ўзимни омади чопган одамдек ҳис қиламан?

Аслида, толеим қора бўла туриб, нима учун бир сен борсан, дея ўзимни бахтиёр ҳис этаман?



Беркутай Сойсал

Мендаги ўз йўлида бир текисда кетаётган
ягона нарса – бу менинг омадсизлигим.

* * *

Ҳеч кутилмаган гўзал тасодифлар бизнинг ҳам
бошимизга тушсин энди.

Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

**Сени фақат олислардан туриб севсам эди.
Ёнингга бормасдан, бағримга босмасдан...
Эҳтимол, шунда ҳозир бунчалик азобланмаган
бўлармидим.**



Келмасанг ҳам кутаман



Менга қара. Кўзларимнинг ич-ичига қара. Қанчалар
бегоналашиб кетганмиз шундай эмасми?

Менга қулоқ сол. Мендан кейин бошқа бировни
севдингми? Уни ҳам мени эркалаган сўзларинг
билан эркаладингми?

Бир лаҳзага келажагинг ҳақида ўйлашни қўйиб тур.
Мен биланлигингда ҳеч бахтли бўлмаганмидинг?
Сира ҳам севаганмидинг мени?


Гапирсангчи! Ўтинаман, бирор сўз де. Чунки сен
жим бўлганинг сари менинг ичимдан нималардир
узиляпти. Камайиб боряпман. Тўкилиб боряпман.

Энди гапир. Мени нима учун севадинг?



Беркутай Сойсал

Ичимиз ҳам, ташимиз ҳам дард билан тўлди.
Қани, ким бизни бахтли қилмоқчи бўлса, бир
қадам олдинга чиқсин.



Келмасанг ҳам кутаман



Биз кутишнинг тимсолимиз...

Ёлғизликка шу қадар мубтало бўлганимиздан севилишни кутиш асносида йўқотишга ошиқ бўлдик. Ҳақиқатдан ҳам, биз кутган ва умид қилган орзуларимиз бир кун рўёбга ошармикин? Агар ҳеч қачон ушалмайдиган бўлса, унда шунча чеккан азоб-уқубатларимиз бекоргами? Унда қалбимиздаги бўшлиқлар нима бўлади? Уларнинг ўрнини қандай тўлдирамиз? Бахт бизга сира қиё боқмайди. Гўё туғилганимиздаёқ бахтсиз бўлишга онт ичганга ўхшаймиз. Бизнинг дардимиз орзуларимизнинг саробга айланиши эмас. Аксинча, энди етдим деганда қадамларимизнинг яна ортга бурилиши бизни қийнайди. Кейин на бошқатдан бошлай оламиз, на қайтадан умид боғлай оламиз. Ҳеч нарсага ҳафсаламиз қолмайди.


Мен ҳеч улғаймадим. Аслида, улғайишни истамадим. Шундоқ ҳам сўнгги вақтларда нимани хоҳласам, бўлмаслигига қасам ичгандек.

Севмоқ инсонни улғайтиради. Улғайганинг сайин ёлғизланиб борасан. Ёлғизланиб борганинг сари камаясан, ярим қоласан. Ҳа, мен бошқа инсонлар каби бўла олмадим. Улар сингари бахтли бўлиш қўлимдан келмади. Эҳтимол, шунинг учун ёлғиз қолгандирман. Хўш, сизнингча, бахтли бўлиш учун ҳаммага ўхшаш керакми? Бошқаларга ўхшаб оддий ҳаётга кўниш керакми?



Мен улғайишни истамайман. Бошқаларга қараб яшашни ва худди улар каби ҳаёт кечиришни истамайман. Аммо бахтсиз бўлишни ҳам истамайман. Мен ортиқ ҳеч нарсани истамайман. Ҳиссиз тошга айланиб қолдим. Мени халос этинг! Ўтинаман, мени ўзимдан қутқаринг. Кулишни унутиб қўйдим. Инсонларнинг юзига қараб жилмайишдан мушкулроқ иш қолмади мен учун. Бунинг боиси нима? Сиздан сўраяпман, нима учун менга бундай бўляпти? Нимадир қилиш керак, аммо мен энди нима ҳам қила олардим. Айти дамда сатрларга қоралаётганларимни айтмасам ҳам тушунадиганлар борми? Қўйинг, тушунишмаса, тушунишмасин. Зотан, бизни ҳозиргача ким ҳам тушунган эди, ким қўлимиздан тутди, ким сен билан бахтсиз бўлишга ҳам тайёрман деди? Шу пайтгача келмай бизни куттирганлар, бундан кейин ёнимизга қадамини ҳам босмасин.

На келишлари на кетишлари йўқ...



Беркутай Сойсал

**Кема сузмай қўйди, деб қуриб қолган денгизни ҳеч
кўрганмисан?!**



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

**Миям ишлашдан тўхтаган.
Худди ўтган йилги ёздан қолган уйнинг бурчагида
чанг босиб ётган эски вентилятор каби.
Ишлатишга уринганим сари чанглари ҳаётимни
қопляпти...**



Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

Биз ҳам билардик ташлаб кетишни.
Зотан, бундан осони йўқ.
Аммо биз кутишни танладик...

* * *

Модомики, қалбингдаги инсон бутун борлигинг
экан, ўртадаги масофаларнинг ҳеч қандай
аҳамияти йўқ.

Келмасанг ҳам кутаман





Беркутай Сойсал

Инсон севганига кўнглидагини изҳор қилиб
қўйсин.

Чунки бундай нарсаларни чўзиб юриш
пушаймондан бошқасига етакламайди.

* * *

Севиб туриб айрилдик деганингиз нимаси?
Севган инсон ёридан айрилмайди. Кўнгил
ишларида ҳамиша ростгўй бўлинг.

Келмасанг ҳам кутаман



Беркутай Сойсал

Биз доим узоқдагиларни севдик.

* * *

Эҳтимол, у кема аллақачон ўтиб кетган-у, биз
эса ҳануз унинг қайтиб келишига ўзимизни
ишонтираётгандекмиз...

Келмасанг ҳам кутаман

Беркутай Сойсал

Инсоннинг жонини буровга оладиган энг ёмон нарса бу кутишдир. Айниқса, бунинг қанча муддат давом этишини билмаслик мислсиз азобдир.



Келмасанг ҳам кутаман



Ишқ бу – гоҳида самимий, гоҳида аҳмоқона
табассум қилмоқ.

Ишқ бу – гоҳида мен ёнингдаман демоқ.

Ишқ бу – баъзан сукут сақламоқ.

Ишқ бу – баъзан йўқ дея олмаслик.

Ишқ бу – баъзан «кошки»лар билан яшамоқ.

Ишқ бу – баъзида ёлғон.

Ишқ бу – гоҳида ҳақиқат.

Ишқ бу – борича қабул қилмоқ.

Ишқ бу – баъзида «у биринчи ёзсин» деб кутмоқ.

Ишқ бу – сабабсиз шодланмоқ.

Ишқ бу – хаёллардан иборат бир тун.

Ишқ бу – бутун олам.

Аммо буларнинг ҳеч бири бизга тегишли эмас...




Келмасанг ҳам кутаман

Айтингчи, сиз ҳам ҳеч қачон келмайдиган бир инсонни интиқ кутганмисиз? Бир кун келиб кетиши мумкинлиги, ҳатто, тушингизга ҳам кирмаган инсоннинг ортидан қўл силкитиб қолганмисиз?

Мен келмаганни кутаман, узоқдаги инсонни соғинаман ва азобланганим сари янада кўпроқ севаман. Мен ҳам кетмоқчи бўлганларни тўхтатиб қолишга уриндим. Йўлини тўсиб «мени ташлаб қаерга кетмоқчисан?» деб сиқувга олдим. Аммо бундан ҳеч нарса ўзгармади. Кетишга қарор қилганни тўхтатиб бўлмас экан. Эҳтимол, вақтинча тўхтатишинг мумкиндир, аммо барибир қўлингдан чиқиб кетади. Алал-оқибат мен ҳам бу ҳақиқатга ўзимни мослаштирдим ва ўша кундан бошлаб тарк этганларни, сира қайтиб келмайдиганларни кутишни бошладим. Келмаслигини билиб туриб кутдим.

Кутиш бу ўз жонингга суиқасд қилишдек бир хатодир. Ва мен бу хатоларимни англаганимдан бери кутишга янада маҳкамроқ бел боғладим.





Бир инсон бир хатони неча марта такрорлаши мумкин бўлса, мен ундан ҳам кўпроқ такрорладим. Шунинг учун шу ҳолга тушдим. Келмайдиган инсонни кутадиган одамнинг ҳолига...

Масалан, ниманидир ҳеч қачон кўрмаган-сиз-у, аммо борлигига ишонасиз-ку? Мендаги нарса ҳам айнан шу эди. Ҳеч қачон ушалмаган ва бундан кейин ҳам ушалмайдиган, аммо, ҳатто, ушалишининг кичик бир эҳтимоли мени ҳаётга боғлаб турадиган истаклар...

Ким нима деса десин, келмаса ҳам, ёнимда бўлмаса ҳам, ҳатто имконсизлигининг ўзи мени се-винтиришга қодир. Эҳтимол, бу ҳам йўқотишнинг бир туридир. Бироқ энди менга бари бир.

Кимдир севган инсонини кутади, кимдир қад-рдон дўстини, кимдир хаёлларининг ҳақиқатга кўчи-шини, кимлар бўлса, келажакдаги ҳаётини...

Аммо ҳеч ким келмайдиган инсонни кутмай-ди. Худди мен каби... Бироқ мен сени келмасанг ҳам кутаман. Ва менинг ҳикоям мана шу ердан бошлана-ди.

Беркутай Сойсал

Келишга имкони бўла туриб келмаганлар уялсин.
Имкон ва эҳтимолларни имконсизга
айлантирганлар уялсин.
Ким нима деса ҳам, биз сизни бенуқсон севган
эдик.



Келмасанг ҳам кутаман



Сен ҳам ҳамма каби гўзалсан.
Худди гўзал бўлишга қасд қилгандек,
Кундан кунга гўзалликка
буркангандек.

Сен ҳам ҳамма каби ранжитасан.
Худди қалб синдиришдан роҳатланганлар
каби,
Бахтсизлигимдан қувват олганлар каби...


Сен ҳам ҳамма каби хаёлларга
бериладиганлардансан.
Кўп хаёл суришнинг ёмон томонини билма-
ганлар каби,
Охири хаёллари пучга чиққанлар каби...

Сен ҳам ҳамма каби бугун борсан, эртага йўқ-
сан ва бундан кейин ҳам бўлмайсан...

Сен ҳаммага ўхшайсан, севгилим. Бошида бироз
ҳаракат қиласан, аммо охирга келиб чарчайсан.

Беркутай Сойсал

**Биз келмас экан, деб кутишдан воз
кечадиганлардан эмасмиз.**



Келмасанг ҳам кутаман



Биздан кетганлар унутилишга муносибдир.

* * *

Биздаги безовталиқ қалбнинг эркалиги эмас,
Кимдир ёки нимадандир етишмаслигидир.






Ҳисларим ҳали бир ғунча каби очилишга ҳар он тайёр. Гўё тегсанг, уч яшар боланинг кўз ёшлари каби тўжилиб кетадигандек.

Тарк этилишга ва рад этилишга кўниккан ҳислар.

Ҳатто, бир бора ортига қарамай кетганларни ҳар он интиқ кутган ҳислар.

Севган инсонининг ўзгарганини қабул қила олмаган ҳислар.

Ёлғизликнинг кишанлари тақилган, кун сайин ёлғизланиб бораётган ҳислар.





Нимаики қилмай, худди улкан бир девор каби жойидан жилмас ҳисларимни ошиб ўта олмайман. Ошиб ўтишга уринганим сари нақадар мустаҳкам ва кучли эканига янада амин бўламан. Амин бўлганим сари телбага айланаман ва кўз ёшларим сувдек қуйилади. Худди шу онда мен ошиб ўта олмаган деворлар енгилгандек туюлади. Қачонки, кимгадир нисбатан ниманидир ҳис қилсам, кўз ёшларим қуйилиб келади ва қаршимдаги деворларни бирма-бир қулатаётгандек туюлади.

**Унинг мендан олисда ҳам бемалол
яшаётганини ва бир шаҳарда туриб бегонага
айланганимизни ўйлай бошлаганимдан буён
ҳиссизлашиб боряпман...**



Беркутай Сойсал

**Кимдир келиб бизни бахт сари етаклаб кетишига
эҳтиёжимиз бор.**

*** * ***

**Эҳтимол, биз ўз кемамизни бошқа бир соҳилда
кутаётгандирмиз.**

Келмасанг ҳам кутаман






Йўқотиб қўйган туйғуларимни қайтадан ҳис қиляпман. Бунини туйғу дейиш ҳам мушкул. Ҳис қилиш таъсири анча камайган. Ҳис қилишга уринганим сайин майда-майда тугаётганга ўхшайман.

Йўқотиб қўйган инсонларимга қайтадан эга бўляпман. Гўё у инсонлар билан аввал сира танишмагандек. Ўзимни менга сира тааллуқли бўлмаган ёт нарсаларни қабул қилишга мажбурлагандек.

Сўнган ҳисларимни қайтадан ҳаётга қайтаряпман. Гўё бошқа бировга ҳисларимни тўкиб солсам, бирор мўжиза юз берадигандек. Бу сафар ҳис-туйғуларимга ишонганим учун адашмайдигандек.



Беркутай Сойсал

**Қаршимдан асло чиқмайдиган ва қайтиб
ҳеч қачон кўра олмайдиган инсонларимнинг
хотиралари билан тўламан.**



Келмасанг ҳам кутаман



Айни дам – ғам-ғусса вақти. Олдин қандай ғам чеккан бўлсак, энди ҳам шундай ғам чекамиз. Чунки биз бунга одатланганмиз.

Айни дам – тарк этиш вақти. Ҳамма нарсани орқада қолдирганча... Тарк этилганимиз каби тарк этганча...

Айни дам – кўз ёш тўкиш вақти. Ҳиссизга айланган қалбингни унутганча. Дилингни оғритганларни бирма-бир ёдга олганча...

Беркутай Сойсал

**Бирор нарсанинг вақти анчадан буён келмаётган
бўлса, эҳтимол, вақти аллақачон ўтиб
кетгандир?**



Келмасанг ҳам кутаман

КЕЛМАСАНГ ХАМ КУТАМАН

Айтингчи, сиз ҳам ҳеч қачон келмайдиган бир инсонни интиқ кутганмисиз? Бир кун келиб кетиши мумкинлиги ҳатто тушингизга ҳам кирмаган инсоннинг ортидан қўл силкитиб қолганмисиз?

Мен келмаганни кутаман, узоқдаги инсонни соғинаман ва азобланганим сари янада кўпроқ севаман. Мен ҳам кетмоқчи бўлганларни тўхтатиб қолишга уриндим. Йўлини тўсиб «Мени ташлаб қаерга кетмоқчисан?» деб сиқувга олдим. Бироқ бундан ҳеч нарса ўзгармади. Кетишга қарор қилганини тўхтатиб бўлмас экан. Эҳтимол, вақтинча тўхтатишинг мумкиндир, аммо барибир қўлингдан чиқиб кетади. Алал оқибат мен ҳам бу ҳақиқатга ўзимни мослаштирдим, ўша кундан бошлаб тарк этганларни ва сира қайтиб келмайдиганларни кутишни бошладим. Келмаслигини билиб туриб кутдим.

Кутиш бу – ўз жонингга суиқасд қилишдек бир хатодир. Ва мен бу хатони англаганимдан бери кутишга янада маҳкамроқ бел боғладим.

Беркутай Сойсал

FA FACTOR
PRESS

ISBN 978-9943-7253-4-8



9 789943 725348

factor_press_nmk

<https://t.me/factorpressnmk>

@factorpressnmk_buyurtmaBot

@factorpress

